

**РАХБАРЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ, ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ
МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

Хакимов Зиёд Заидович

ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси бошлиги ўринбосари

Аннотация: Уибу мақола орқали сиз, раҳбарларнинг қўл остидаги ходимларга муносабатининг ахлоқий ҳуқуқий доирасининг чегараси, муомала маданияти, ходимларни бошқаришининг моҳияти, психологик таъсир этиши усуслари, замонавий усусларни амалиётга қўллашининг ташкилий омиллари ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: *раҳбар, ходим, замонавий усуслар, психологик таъсир этиши, ёндашув, лоқайдлик, бепарволик, касбига содиқлик.*

**ПСИХОЛОГИЯ ЛИДЕРСТВА, СУЩНОСТЬ И ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ
УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ**

Аннотация: Благодаря данной статье вы сможете узнать о границах морально-правовых рамок отношения руководителей к подчиненным, культуре поведения, сути управления персоналом, методах психологического воздействия, организационных факторах применения современных методов на практике.

Ключевые слова: руководитель, сотрудник, современные методы, психологическое воздействие, подход, равнодушие, небрежность, лояльность к профессии.

**PSYCHOLOGY OF LEADERSHIP, ESSENCE AND BASIC STAGES OF PERSONNEL
MANAGEMENT**

Annotation: Through this article, you can learn about the limits of the moral and legal framework of managers' attitude to subordinates, the culture of behavior, the essence of personnel management, methods of psychological influence, and organizational factors of applying modern methods to practice.

Key words: leader, employee, modern methods, psychological impact, approach, indifference, carelessness, loyalty to profession.

Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узокроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, балки, эртанди кунни аниқ тасаввур этиб ишилаши, келажакнинг ташвиши билан яшами зарур. Ҳали кўзга ташланмаган муаммоларни сезими, кўра билиши

керак. Раҳбар унга ишонган одамларни атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, эртага у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳ этиб бориши лозим¹⁸.

Каримов И.А

Халқимизда "Ўтган кунингни унутма, эски чорифингни қуритма" деган ибратли бир мақол бор. Бу - аслида ким эканлигинги, мансаб курсисига ўтирасдан олдин ким бўлганлигинги, лавозимдан тушгач, ким бўлажагингни унутма, камтар бўл, қадамингни билиб бос, халқнинг назаридан қолма, деганидир. Бу ҳамманинг, айниқса, катта-кичик раҳбарларнинг доим ёдида туриши керак.

Одамларимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзу-умидларининг рӯёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришига, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бутун халқимизнинг тақдирига дахлдор муҳим масалалардан бири - иқтисодиётни, халқ хужалиги ва халқ таълимини, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни бошқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммосидир. Бу айни чафда раҳбарликнинг самарали йўлларини топиш, бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Чунки жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам тараққиётга айнан шу йўл билан эришилган.

Раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул кила олиши даркор. Айни вактда раҳбар номаъкул ишни кўрганда бирорнинг ёқасидан олмаса, эл-юрт манфаатини ўйлаб, эй инсон, нима қиляпсан, демаса, камчилик-нуқсонларга қарши жамоатчиликни қўтартмаса, у ҳеч қачон яхши раҳбар бўла олмайди.

Агар раҳбарнинг ўзи тиним билмай ишламаса, янги имкониятларни топиб, одамларни олижаноб ишларга бошлиш учун куйиб-ёнмаса, унинг атрофидагилар - муовинлар дейсизми, бошқа мутасаддилар дейсизми - бегамликка, лоқайдликка берилиб, шундай иш услубига, шундай ҳаёт оқимига ўрганиб-кўнишиб қолади. Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик қўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшashi, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак.

Ҳар қайси раҳбар қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиқўллик хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни

¹⁸ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириши ва ислоҳотларни чуқурлаштириши - энг муҳим вазифамиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 357-360,403-б.

вақтида ечиш ҳақида муттасил қайғуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик - бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло хато бўлмайди¹⁹.

Бинобарин, жамиятимизда раҳбарлик фаолияти туғри режалаштирилса, давлатимиз ва халқимиз олдида турган кўплаб муаммолар ўз ечимини топиб, юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлишига шак-шубҳа йўқ. Лекин очигини айтганда, жамиятимизда раҳбарлик фаолияти ва унинг самараси талаб даражасида эмаслиги аён бўлиб қолаётир. Бунинг ҳар хил объектив ва субъектив омиллари бор албатта. Субъектив омиллардан бири шуки, жамият аъзоларидан бир қисмининг онги, дунёқарashi ҳали бошқарув фаолиятига тайёр эмасга ўхшаяпти. Раҳбарликнинг моҳиятини, мақсад ва вазифаларини тушунмаслик оқибатида айрим етакчилар ўз фаолиятига лоқайд муносабатда бўлмоқдалар. Баъзи кишилар эса боқимандалик кайфиятидан тўла қутулган эмас. Шу билан бирга, айрим раҳбарлар ўз ҳақ - ҳукуқарини, бурч ва мажбуриятларини етарли даражада билмайдилар. Айниқса, бугунги кунда ҳар бир раҳбар жуда кўп соҳаларни, ҳар бир соҳанинг ўзига хос мураккабликларини яхши билиши, олдига қўйган мақсадини ҳис этиши, раҳбарлик маданияти ва этикасини чуқур англаши лозим.

Раҳбарлик тушунчасига қўйиладигича таърифларни келтириши мумкин:

1. Раҳбар ижтимоий шахс сифатида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириб, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини бошқарувчи сифатида омилкорлик билан иш юритувчи шахсdir.

2. Раҳбар ҳар қандай ишни амалга ошириш учун, аввало, мустакил қарор қабул қиласди. Бу қарор раҳбарнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти мақсадини белгилайди.

3. Раҳбар ўз соҳасига янги ғоя, янги ташаббус, янги технологияларни жорий этувчи тадбиркор шахс ҳисобланади.

4. Раҳбар меҳнати, айни вақтда тадбиркорликка асосланган машаққатли фаолият ҳисобланади. Унга сарфланган куч, маблағ баъзан вақтинча фойда эмас, зарар келтириши, муассаса фойда ўрнига зарап ҳам кўриши мумкин. У бундай ҳолатларни олдиндан қўра олиши ва бунга тайёр туриши, зарур бўлганда, фаолиятини қайта бошлиши, ўзида бунга куч-гайрат топа билиши лозим.

Ўзаро муносабатларда раҳбарларнинг бир-бирини тўғри тушуна олишига имкон бермайдиган, ҳар хил келишмовчиликларга олиб келадиган омиллар ҳам бор. Бундай тўсиқларнинг энг кўп учрайдиган уч хилини кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар:

1) дастлаб кўришганда бир-бирини ташқи киёфаси бўйича ўзидан устун кўриш ёки уни ёқтираслик;

¹⁹ Каримов И.А. Одамлар ташвиши билан яшаи - олий бурч // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. - 77-78-б

2) шерик билан дастлабки мулоқотда унинг муҳим фикрларига қушилмаслик ва ҳоказо;

3) дунёвий тасаввурлари, мақсад ва мулоҳазалари, ижтимоий барқарорлиги мос келиши ёки аксинча ва ҳоказо.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хуллас, жамоага раҳбар бўлиш жуда қийин. Жамоа қўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, уларнинг фикри, дунёқарashi, маънавияти, характеристи, рухияти ҳам турличадир. Раҳбар уларнинг турли-туман, яхши-ёмон ишларини, албатга, кузатиб туриши керак бўлади, токи ҳеч бир иш уларнинг назаридан четда қолмасин. Агар раҳбар фақат бошқарув ишларию, ўз шахсияти билан банд бўлиб қолса, қўл остидаги оммани кузатишга бефарқ бўлса, унда бу раҳбардан воз кечиш лозим. Ўз муассасаси аъзоларининг хатти-ҳаракатларидан воқиф бўлмаслик жамоанинг бир неча тарафга бўлинишига олиб келади. Бундай раҳбар давлатга ҳам, жамоасига ҳам зарар келтиради.

Бошқарув жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, раҳбарнинг фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб куяди. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун раҳбарга қўйиладиган талаблар, уларни бажаришга мойиллик ва бошқарув фаолиятини тўлаконли амалга оширишга тўскинлик қилувчи шахс хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади.

Жамоатчилик, ҳалқ раҳбар шахснинг мустақил дунёқарashi, кенг фикрлаши, узокни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажralиб туришини, иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар киладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

Раҳбар шахс ҳислатлари. Раҳбар шахси тушунчасини таҳлил этар эканмиз, унга хос хусусиятларни уч гурухга бўлиб ўрганиши тақлиф килинади:

Биографик тавсиф;

Кобилият;

Шахс ҳислатлари.

Раҳбар шахсининг биографик жиҳатларига унинг ёши, жинси, ижтимоий-иқтисодий мавқеи ва маълумоти киради.

Раҳбар ёши. Бошқарув фаолиятини муваффақиятли амалга оширишнинг раҳбар ёшига боғлиқлиги ривожланган мамлакатлар тадқиқотларига асосланади. Аниқланишича, Япония қайта ишлаб чиқариш йирик компаниялари раҳбарларининг ўртacha ёши 63,5 бўлса, шу тоифа америкалик раҳбарларнинг ёши 59 да экан. Япония йирик компания раҳбарларини ўрганишда учрайдиган ва таажжубланарли жиҳатлардан бири, уларнинг ёши улуғлигидир. Баъзи бир ташкилотларда (масалан, «Сони корпорейшн») компания президентининг ёши 65 деб чекланган бўлса-да, лекин қўпгина автомобиль соҳасидаги фирма раҳбарларининг ёши 75 ва ундан юқорилиги ажабланарли ҳол эмас. Умуман олганда, Японияда

ходимнинг корхонага бир умр ёлланиш тажрибаси қўлланади. Маълум бўлишича, юкори бўғин раҳбарларининг кўпчилиги ўз ташкилотида 30 йилдан ортиқ ишлайди. Бу соҳада ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, катта ёшли раҳбарлар, агар уларнинг соғлиги кўнгилдагидай бўлса, ушбу ташкилот учун катта тажриба манбайдир. Раҳбарнинг улуғ ёши ҳакида гапирав эканмиз, нафақат унинг биологик жиҳати, балки, ижтимоий томони, ҳаётий тажрибасини ҳам назарда тутишимиз даркор. Зеро, «Кари билганни пари билмас», деб халқимиз бежиз айтишмаган. Бирок, ишлаб чиқаришга замонавий технологиянинг кириб келиши уларни ўзлаштиришда маълум маҳоратни талаб қиласди. Бахтга қарши, хозиргача компютерда ишлашни ўрганолмаётган катта ёшли раҳбарларни учратиш қийин эмас. Шу жиҳатдан олганда, ёш раҳбар кўпинча ташкилотга илғор технология ва тезкорлик олиб кирувчи омил сифатида қабул қилинади.

Ёш раҳбар бошқарадиган ташкилотдаги ходимларнинг ўртача ёш кўрсаткичи кўпинча паст бўлади. Ёшлик (30-35 ёш атрофида) бу янгилик ва кашфиётларга мойиллик,ижодийлик, кўрқмаслик ва ўзгарувчан муҳитга мослашувчанлик билан ифодаланади. Афсуски, бундай ташкилотда катта ёшдаги (40-45 дан юкори) ходимларга, ҳатто, шубҳа билан қарашади. Лекин, аниқланишича, инсон 35-55 ёшларида ўз касбининг моҳир устасига айланади, ўз соҳасидаги билимни яхши эгаллайди ва ихтиrolарни жорий этишга ўзида иштиёқ сезади. Шу билан бирга, унда вазиятни совуқконлик билан таҳлил этиш, вазминлик кайфияти шаклланади.

Албатта, ҳамма ёш раҳбар илғор технология тарафдори ва шунга мойил деб айтиш қийин, лекин ёшларга замонавийлик хос. Бу эса ўз навбатида, ёш раҳбарнинг замонавий ва илғор ишлаб чиқариш услубларига мурожаат этиш эҳтимолини кучайтиради. Халқимизда, ёши катта бўлса ҳам кўнгли ёш деган ибора бор. Демак, замонавий раҳбар ёшидан қатъи назар илғор технологиялар тарафдори, ташкилот миқёсида замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга қобилиятли бўлиши лозим. Бу эса ўташ даври талабидир.

Раҳбар жинси. Инсон жинси, унинг айни бир ролга амал қилишини тақозо этади. Айниқса, бу ҳолат шарқ мамлакатлари, худудимиз шароитида яқол намоён бўлади. Бу худудда эркак ва аёлга хос жинсий ижтимоий нормалар аниқ белгиланган. Модомики шундай экан, инсон амалга ошираётган кўпгина ҳатти-ҳаракат айнан шу жинсий рол мезони таъсирида идрок этилади. Ҳозир, инсоннинг жинсий мансублигига қарамай, касб ёки лавозим поғонасида катта имкониятлар пайдо бўлаётганини кўрамиз. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва давлат бошқаруви соҳасида аёлларга катта йўл очилган. Аммо, шунга қарамай, раҳбар сўзи кўпинча эркак жинси билан қиёсланади ва негадир, аёл раҳбар идора этадиган соҳалар сифатида маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатишдан нарига ўтилмайди.

Ҳақиқатдан ҳам аёлнинг у ёки бу соҳада бошқарув лавозимини эгаллаши, кўп жиҳатдан, бу соҳа аёлларга мосми ёки эркакларгами деган саволга боғлиқ бўлиб қолган. Бир қатор тадқикотлар оркали аниқланишича, эркак ва аёл аралаш

ишлайдиган гурухда күпинча эркаклар ташаббусни ўз қўлларига олар эмиш. Тадқиқотчи Е.Холландер тажрибасига кўра, гурух доирасида хал этиладиган вазифани ечишда эркаклар кўпроқ мақбул йўл топа олишади ва аралаш гурухда эса устунликка интилишади. Олимнинг тушунтиришича, эркаларга хос бундай ҳатти-харакат, кўп жихатдан, жамиятда ўрнатилган нормалар ва эркаклар хулқига оид установка, яъни кутувлардан келиб чиқади. Бундай установкалар асосидаги стандартлар атрофдагиларнинг бўлаётган воқеа-ходисаларни идрок этишига ҳам катта таъсир этади. Масалан, психолог Р.Райе ўтказган тажрибада қуйидаги манзара кузатилади: тажриба давомида харбий ўқув юрти курсантларида аёлларга нисбатан маълум (унчалик ижобий бўлмаган) установка шакллантирилган. Шундан сўнг, курсантларни учтадан қилиб икки гурухга булишган ва лаборатория шароитидаги тажрибада катнашишга таклиф этишган. Икки гурух курсантга икки раҳбар — бири эркақ иккинчиси аёл бошчилик килган. Гурухлар маълум бир мураккаб вазифаларни хал этишган ва ечим давомида раҳбар фаол мавке эгаллаган. Аникланишича, аёл раҳбарлик килган курсантлар гурух муваффакиятини тасодифга йўйишган, эркак раҳбар булган гурухдаги курсантлар эса муваффакиятда айнан раҳбарнинг кобилиятини етакчи деб курсатишган. Мазкур тажриба шундан далолат берадики, атрофдаги воқеаларни баҳолашимиз кўп жихатдан айни жамиятда кабул килинган норма ва меъёрларга боғлик.

Бошқарув амалиётида ва шунингдек баъзи бир адабиётларда эркак раҳбар фаолияти аёл раҳбарникига нисбатан анчагина самарали деган тасаввур мавжуд. Одатда, бундай фикрга қуйидаги далиллар келтирилади: эркак ёрқин ифодаланган мантикий фиколаш хусусиятига эга эмиш, аёл эса купинча хиссиётга берилади; эркак уз ишига фидойи десақ аёл кимматли вактини оиласа сарфлайди. Чунончи, эркак турли салбий таъсирларга, стрессларга чидамли булса, аёл мураккаб вазиятда ҳатто аклини «йукотиб» кувиши мумкин экан.

Аммо, хаёт бунинг аксини курсатиб турибди-ки, айни пайт ишлаб чиқаришни самарали бошкараётган аёлларни кўплаб учратиш мумкин. Жинсий тафовутларни тахлил этишда самарадан кура бошқарув услуги хакида гапирса, ўринлироқ бўлади. Эркак раҳбар асосий дикдат-эътиборини ишлаб чиқариш муаммоларига тааллукли вазифаларга қаратса, аёл раҳбар купроқ жамоанинг ижтимоий—психологик жихатларига, психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратади, деган хulosатар ҳам кам эмас. Албатта, бу фикр бир канча бахс ва мунозарага сабаб бўлса-да, эндиликда кўшимча тадқиқотлар ўтказишни ҳам тақозо этаяпти.

Хуш, аслида эркак ва аёл раҳбарлар муваффакиятга эришишларида маълум фарқ, тафовут мавжудми, деган саволга куйидаги жавобни оламиз. Таникли олима Ф.Денмарқ катта хажмдаги тадқиқотлари асосида шундай хulosага келдики, бошқарув соҳаларида муваффакиятга эришишда сезиларли жинсий тафовутлар кузатилмас экан. Аёл ва эркак менежерларнинг бошқарув фаолиятидаги фарқ шундан иборат эканки, аёллар жамоадаги инсоний муносабатларга кўпроқ эътибор берадилар.

Эркак ва аёл менежерларга хос жинсий психологик фаркнинг булиши табиий, лекин жамоа олдида турган вазифани бажариш, кўзланган мақсадга эришиш борасида жинсий тафовут кузатилмайди. Назаримизда, бу муваффақиятлар сабаби жинсга хос бўлмаган омиллар билан белгиланади. Масалан, шахснинг кўпгина ишчанлик фазилатлари жинсий мойиллар билан эмас, балки ижтимоий кадриятлар, характердаги хусусиятларга асосланади. Хусусан, инсоний муносабатларга эътибор, кўнгилчанлик бошқарувда демократик тамойилларга суюниш аёлларда кўпроқ учрайди ва бу кўрсаткичлар маълум маънода жамоа фаоллигига ижобий таъсир этувчи омиллардир.

Бир катер тажриба ва кузатиш натижалари яна бир бошқа маълумотларни ҳам беради. Раҳбарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, эркак ва аёл раҳбар ўз услубларида шунчалик қарама-қарши жинс хусусиятларини намойиш этадилар. Эркак раҳбар эркакка хос ҳислатдан ташкари аёлга хос айрим фазилатларни ҳам бошқарув амалиётида қўллашини кўрамиз: кўнгилчанлик, нозикдидлик интуиция... Ўз навбатида аёллар ҳам эркакларга хос сифатларни ўз фаолиятларида қўллайдилар: мустаҳкам ирова, қатъийлик, фаоллик, тиришқоқлик. Демак бошқарув самарасини жинсий мансублик билан борлаш нотугридир. Бу уринда бошка омиллар ахамиятлироқ хисобланади. Мисол учун интеллект, кадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба каби кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Ҳар қандай раҳбарлик мансабига кўтарилган одамни синайдиган оғир имтиҳонлардан бири шуки - атрофдаги уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мақтовидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонлардан одамийлигини, инсоний қиёфасини йўқотмасдан чиқишидир.

Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узоқроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, балки, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшashi зарур. Ҳали кўзга ташланмаган муаммоларни сезиши, кўра билиши керак. Раҳбар унга ишонган одамларни атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, эртага у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳ этиб бориши лозим²⁰.

Биографик ношатлар каторига шахснинг ижтимоий-иктисодий мавқеи ва унинг маълумоти даражасини киритиш мумкин. Бошқарув фаолиятини муваффакиятли амалга оширишда мавке ва маълумот ҳам мухим омил саналади. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Р.Стогдилл муаллифлигидаги «Бошқарув қўлланмаси»да таъкидланишича, муваффакиятли бошқарув ва шахснинг ижтимоий-иктисодий мавқеи ўртасидаги боғлиқлик 94% га teng ҳамда маълумоти ўртасидаги боғлиқлик эса, 88% га тенгdir.

²⁰ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириши ва ислоҳотларни чуқурлаштириши - энг мухим вазифамиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 357-360,403-б.

Япониялик тадқиқотчи Т.Коно маълумотига кўра, оддий япон менежери, албатта, мухандислик мутахассислиги ёки ижтимоий фанлар бўйича университет дипломига эга бўлиши шарт. Кўп холларда менежерлар икки мутахассислик дипломига эга бўлса, бир қатор етакчи бизнесменлар ва йирик раҳбарларнинг биографик таҳлили уларнинг юқори маълумотга эга эканликларидан далолат беради.

Раҳбар, аввало, жойларга бориб, меҳнаткашлар билан маслаҳат қилиш, ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини, амалга ошириладиган чора-тадбирларни оддий одамлар билан ўртоқлашиш лозим. Ва улардан фақат битта нарсани сўраш керак: азиз дўстлар, биродарлар, менга таянч бўлинглар, биргалашиб мана шу ишларни қилайлик. Агар менга ёрдам бермасангиз, бу ишлар бир ўзимнинг қўлимдан келмайди, деб очиқ айтиш керак²¹.

Шахснинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи раҳбарлик фаолиятини бажаришида кучли омил ҳисобланади. Бунинг аҳамияти айниқса шарқ маданияти мисолида яққол кўзга ташланади. Худудимиздаги оддий фуқаро раҳбар шахсида нуфузли, ўзига тўқ ва тўла-тўқис инсонни кўришни хоҳлайди. Раҳбар майда иқтисодий муаммоларни бемалол ҳал кила олиши, катта ижтимоий алоқаларга молик эканлиги билан хамда ўз ақлий қобилияти, тажрибаси бўйича бошқа ходимлардан устун туриши лозим. Раҳбарнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи дастлабки пайтларда етакчи ролни уйнайди. Кейинчалик эса у ҳақидаги бўлган жамоа тасаввури раҳбарнинг вазифаларни адо этиш қобилиятига бориб тақалади. Аммо, шахс шаклланган муҳитнинг раҳбарликка, шунингдек оиласиан ғарбий анъаналарнинг бошқарув қобилияти ривожланишига таъсирини ўрганиш ҳам ўта аҳамиятлидир. Ҳакиқатан, раҳбар оиласида туғилиш, улғайиш давомида ота тажрибасини ўзлаштириш доминантликка, яъни устунликка мойилликнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Ф.Фидлер таърифи бўйича «компания президенти бўлишнинг энг ишончли омили — компанияга эгалик қиладиган оиласида туғилишдир». Лекин, Ли Якокка каби буюк менежернинг биографияси тамоман юқоридаги таърифни инкор этади. Бинобарин, бу шахс раҳбарликнинг паст қатламларидан унинг энг юқори чўққисига кўтарилиди.

Бир қатор машхур тадбиркорлар ўтмишини таҳлил этиш натижасида аниқландики, уларнинг кўпчилиги оиласида тўнгич фарзанд бўлиб ўсишган. Дарҳақиқат, оиласида тўнгичлик ўз мавқеига кўра маълум масъулият ҳам демакдир. Ўзбек оиласидаги кўпболалик шароити тўнгич фарзандга ота-онага мададкор бўлиш, кичикларга раҳнамолик қилиш ва назоратни ўз бўйнига олишини тақозо этади. Бу эса шаклланаётган шахснинг ташкилотчилик ва назоратга бўлган имкониятини янада оширади, келгуси фаолиятида ўз-ўзини идора эта олиш қобилиятини шакллантиради.

²¹ Каримов И.А. Изланиши, ташаббускорлик, тадбиркорлик – давр талаби // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 421-422-б.

Биз кўпинча, раҳбар ақлли, доно, билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон ақлли, доно ва билимдон бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор. Бу фикрга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб қолмай, унга кўз тикиб, ундан кўп нарсани кутиб турган халқни ҳам ёндира олиши зарур.

Мен ёндириш деганда, авваламбор, одамларни бирлаштиришни, одамларни бошқаришни, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишни назарда тутаман.

Яъни, раҳбар эзгу мақсад-муддаоларга, олижаноб режаларга эришиш учун одамларни ўз ортидан эргаштира билиши керак.

Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у халқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножӯя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиши даркор. Бунинг учун раҳбар албатта катта маҳоратга, худо ато этган ўзига хос, ўзига мос фазилатларга эга бўлиши зарур²².

Ҳаёт тажрибаси. Инсон тажрибаси ва унинг бошқарув фаолиятида намоён бўлиши икки асосий масала орқали таҳлил қилинади. Биринчидан, юқори бўғин раҳбари учун бошқарув тажрибаси зарур, шунингдек улардан ҳаётий тажрибага эга бўлиш ҳам талаб қилинади. Иккинчидан, ўрта бўғин раҳбарида ўз соҳаси бўйича камида уч йиллик тажриба бўлиши лозим. Бу тоифа раҳбар тажрибасини таҳлил этар эканмиз, асосий эътибор касб соҳасига қаратилади.

Хар қандай ташкилотдаги асосий оғирликни ўзига олувчи ўрта бўғин раҳбарларида эса маҳсус қобилият кўпроқ ривожланган бўлиши лозим. Улар ишга дикқат-эътиборли, масъулиятли, катта хажмдаги миқдорий ва сифат маълумотларини таҳлил этиш қобилиятига эга шахслардир.

Пешкадам раҳбарга хос фазилатлардан бири - вазминлик ва сабру бардошлиkdir. Раҳбар хиссиётини мувозанатлаш-ганлиги, унинг ички дунёсига хос қарама-қарши туйгуларнинг турёнига йул қўймаслиқда ва қайфиятдаги сокинликда ифодаланади.

Маълумки, раҳбар одамлар орасида ва уларга хос турли хиссиётлар оғушида яшайди. Бинобарин, атрофдагиларнинг салбий ёки ижобий хис-туйгулари ўзаро кундалик мулоқотда тез «юқиши» хусусиятига эга. Шунинг учун раҳбар қалтис ва зиддиятли вазиятларда нафақат бошқаларнинг хиссиети таъсирига берилмаслиқ балки атрофдагиларга ўз мувозанати ва жиловланган хис-туйруси билан таъсир эта олиши керақ. Шахснинг бу фазилати бир томондан асаб тизимининг турма хусусияти билан белгиланса, иккинчи томондан орттирилган Ҳаётий тажрибага боғлиkdir. Асаб

²² Каримов И.А. Ютуғлар қалити одамлар гурурини уйғотиш, уларнинг салоҳиятини, барча имкониятларини ишга солишида // Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 94-96-б.

тизимининг мультадиллиги учун раҳбар ўз соғлиги хакида кайғуриши лозим. Мехнат фаолиятини рационал тарзда ташкил этиш, яъни меҳнатдаги ижобий жихатларга кўпроқ эътибор бериш, нохуш вазиятларни донолик билан бартараф этиш, кўпроқ якин дўстлар даврасида бўлиш, жисмоний тарбия ва фойдали машгулотларга ишкибозлик кайфиятида вактни ўтказиш, Хар кандай стрессга карши турла олишни кучайтиради, шунингдек организмнинг ишчанлик кобилиятини кайта тиклашга хизмат килади.

Бирон-бир кийин ва инкиrozли вазият пайдо булганда, баъзи бирлар мазкур вазиятни хал этиш оркали муваффакиятга эришиш хакида уйласа, бошка бирор эса талофтотга учрамаслик гамида ўзини иложи борича «офат»дан олиб кочади.

Самарали бошкарув учун яна бир зарурий хислат — масъуллик ва вазифани хал этишга каратилган ишонч. Иктисадий ва ижтимоий қалкиш пайтида ўз хамкорида ишонч уйготиш, навбатдаги ишга кафолат бериш ва боз устига, уни удсалаш замонавий раҳбар учун мухим фазилатдир. Бу жараёнда раҳбарлик тадбиркорлик фаолияти билан уйгунлашиб кетади ва ишонч тушунчаси марказий уринга кутарилади.

Рахбарнинг, нафакат, обрусини оширадиган, балки кийин вазиятда уни асосий максад йўлидан етаклайдиган фазилатлардан бири - мустакилликдир. Раҳбар ўз караши, мушохада лаёқати ва шахсий нуктаи назарига эгаликка интилиши лозим. Тўғри, раҳбар ўз ҳамкасларига, шунингдек маслаҳатчиларига қулоқ тутиши керак лекин Карор ва унинг ижроси раҳбар зиммасига юклатилади. Шу боис фиколаш ва хатти-харакатдаги мустакиллик самарали бошкарувнинг асосий омилларидан биридир. Аммо, мустакиллик кайсарлик кайфиятига айланмаслиги лозим. Бунинг учун раҳбар хамиша ўз ташаббусини ташкилот ёки жамоа максадлари билан уйгунлаштириб бориши зарур.

Навбатдаги зарурий хислатлардан яна бири мулокотга мойилликдир. Аникланишича, раҳбар ўз кундалик фаолиятининг туртдан уч кисмини турли-туман мулокотга сарфлайди. Мулокотнинг бошкарувдаги ахамиятини кўздан кечирав эканмиз, беихтиёр Ли Якокка эсадаликларига дуч келамиз: «Мен автомобиль соҳасида бир умр ишлаган одамни биламан. У олий маълумотли булиб, ўзини бошкариш кобилиятига эга, шунингдек ажойиб стратег ва ўз компаниясининг йирик мутахассиси эди. Лекин, уни хеч качон хеч ким юкори лавозимга тайинламаган, чунки у ўзга билан мулокотда булишни билмас эди».

Рахбар ўз ходимини синчковлик билан кузатиши оркали, унинг щахсидаги қатламлар ўртасида уйгунлик ёки зиддиятни илгashi мумкин. Раҳбарнинг бундай назарга эга булишини яна бир шарти - ходим рухиятидаги катламлар зиддиятига ташкилот микёсида шаклланган мухит хам сабаб булади. Демак ташкилотда шаклланган нормалар носоглом булса, ходим носамимий харакатларга йул қуяди ва у ўз эътикоди ва кадриятларига зид чикиши мумкин.

Т.Итоатидаги ходимларга таъсир этолмаслиқ раҳбар ўз қўли остидаги ходимларга таъсир этиши лозим. Лекин, айрим раҳбар ўз ходимлариға суюнолмайди ва бунинг ўрнига улар ҳақида салбий фикрда юради. Бундай раҳбар ўз интилишида мунтазам эмас, атрофдагилар билан яқин мулоқотга киришмайди ва ўз ички дунёсини яхши ифода этолмайди.

Раҳбарлик тайинланувчи лавозимдир, лидерлик эса ҳамфирлар томонидан кўтарилиган шахс мавкеидир. Агар раҳбар ва лидер ўртасидаги фарқга эътибор берадиган бўлсак кўпгина жиҳатларни санаб ўтишимиз мумкин. Масалан, раҳбар ходимларга эга бўлса, лидернинг ҳамфир тарафдошлари мавжуд, раҳбар тайинланса, лидер жамоа аъзолари орасидан ажралиб чиқали, раҳбар ўз хокимииятига асосланса, лидер эса обрўсига таянади. Раҳбар ўз мажбурияти бўйича ташкилот манфаатини биринчи ўринга кўяди ва шу хусусият унга расмий тус бериб, жамоа олдида лидерга нисбатан уни бир мунча «заиф» ҳолатга кўяди.

ХУЛОСА

Ҳаётда кўпгина жамоалар учрайдики, уларда расмий раҳбар ва лидер алоҳида шахслардан иборатдир. Бундай жамоа ҳаётидаги кўп вазиятларда гурух аъзолари раҳбардан кўра норасмий лидер томонида бўлишлари эҳтимоли кўзатилади. Жамоадаги расмий раҳбар ва норасмий лидернинг ўзаро муносабати доимо қийин масалалар доирасига киради. Бундай вазиятда одатда кўпчилик раҳбарлар лидерни сиқиб чиқаришга, ундан қутулишга интилишлари кўзатилса, бошқа бир раҳбар бу лидердан фойдаланишга, уни гуруҳ мақсадига тезроқ эришиш йўлига сафарбар этиши мумкин. Раҳбарнинг лидер билан ўзаро тил топиши, ҳамфир бўла олиши албатта бўлажак муваффакиятлар гаровидир. Бунинг учун раҳбардан топқирлик, сабр-тоқат ва ўз шахсий манфаатидан устун турга олиш қобилияти кутилади.

Расмий раҳбар ва гуруҳ лидери турли шахслардан иборат бўлса, улар ўртасидаги келишмовчилик кўпгина ходимлар томонидан ижтимоий адолатнинг бўзилиши сифатида идрок этилади. Лидер билан муносабатни ривожлантириш эса аксинча, гуруҳдаги кучларни тан олиш, оқиллик йўлини танлаш деб баҳоланади. Раҳбар сезигир шахс сифатида нафақат лидерга, балки бундай ҳислатга эга бўлган ҳар бир гурух аъзосига алоҳида диққат ажратади олиши лозим. Алоҳида олинган лидер билан мавжуд муносабатни ривожлантириш орқали гурухнинг бошқа аъзолари билан ўзаро ижобий ҳисларни шакллантириш имконияти туғилади. Шу маънода таҳлил этилганда, гуруҳда норасмий лидернинг мавжудлиги расмий раҳбар учун гурух аъзолари билан илиқ муносабатни қўришдаги қўшимча кўприкдир. Лекин ҳаётда ҳамма нарса ҳам ўйлангандай силлиқ кетавермайди ва расмий раҳбар билан норасмий лидер манфаатининг зидлиги, раҳбарнинг илтифотли қадамига қарамай норасмий лидернинг қайсарлиги тўқнаш келиши мумкин. Бу эса жамоадаги низо билан ифодаланади ва бундай ҳолларни ҳал этиш йўл-йўриқдари ҳақида жамоадаги низолар мавзусида батафсил гапириб ўтилади.

Албатга, жамоа раҳбари ва лидер бир шахсда ифодаланиши айни муддао хисобланади ҳамда расмий раҳбар иложи борича ташкилот максадларини ходимлар манфаати билан уйгунлаштирган ҳолда бошқарув жараёнини ташкил этиши лозим. Айнан шу омил, айникса, касб соҳасидаги юкори малака раҳбарни лидерлик даражасига кўтарилиши учун асос бўлиб хизмат килади.

Психологиядаги барча муаммоларнинг марказида шахс ва унинг фаолияти туради. Раҳбар ходимлардаги психика уч хил руҳий ҳодиса сифатида намоён булади:

1. Раҳбарнинг руҳий хусусиятлари бу - унинг темпераменти, характери, қобилияти ва психик жараёнларининг барқарор хусусиятлари, шунингдек майли, эътиқоди, билим, кўнижмалари, малакаси ҳамда одатларидан иборат.

2. Психик ҳолатлар унча ўзоқ давом этмасада, лекин анча мураккаб жараёндир. Бунга тетиклик ёки маъюслик, ишчанлик ёки ҳорғинлик, серзардалик, паришонхотирлик, яхши-ёмон кайфият ва ҳоказолар киради.

3. Психик жараёнларга руҳий фаолиятнинг мураккаб турига кирувчи оддий психик жараёнлар киради. Улар жуда қисқа вақт давом этади. Психик хусусиятлар, ҳолатлар, жараёнлар ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиб, бири иккинчисига таъсир этиши, унинг ўрнини тўлдириши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Раҳбарлик психологияси, ходимларни бошқаришнинг моҳияти ва асосий босқичлари. Монография

2. Каримов И.А. Ютуғлар қалити одамлар ғурурини уйғотиши, уларнинг салоҳиятини, барча имкониятларини ишга солишда // Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 94-96-б.

3. Каримов И.А. Одамлар ташвиши билан яшаш - олий бурч // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ қерак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. - 77-78-б

4. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш - энг муҳим вазифамиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 357-360,403-б.